

СОВЧИЛИК — ОВЧИЛИКМИ?

Файзли тўй оқшомларида, давра тўрини чўғдай ловуллашиб турган бахтли келин-куёвларимизга қараб, шу кечанинг сабабчилари дея таъриф берамиз. Аслидачи?! Аслида бу шодиёнанинг ижобий маънода “айбдорлари” — совчилардир.

Совчилик – бирор хонадоннинг вояга етган қизини келинликка сўраб бориш одати.

Қизик. Турмушимиз давомида кўп учрайдиган бу атаманинг тарихий илдизларига эътибор берганмисиз?

Совчилик тўғрисидаги илк маълумотлар VII – VIII асрларга тегишли бўлган Урхун-Енисей битикларида учрайди. “сов”, “сав” калимаси сўз, гап маъносида “Тўнюқуқ” битикларида ишлатилган. Бу тўғрисида Маҳмуд Қошғарий ўз асарларида қуйидагича ёзади: “Совчи – келин ва куёв орасида бир-бирига хабар элтувчи кишидир.” “Ишқ битиги” (“Фол китоби”) да эса “саб” - сўз, “сабчи” - хабарчи, сўз келтирувчи маъносида қўлланилган.

Туркий халқларда совчиликка дастлаб аёллар жалб қилинган. Эркаклар асосан розилик олингачгина қиз уйига ташриф буюришган. Буни қаранг-ки, шаҳар ва қишлоқларимизда бу одат бир-биридан фарқ қилар экан.

Шаҳарларда йигитнинг онаси, амма ёки холаси билан “меҳмонга келдик” баҳонасида қиз кўришга келишади. Қишлоқларда эса, барча бир-бирини фарзандларини яхши билгани сабабли ўзлари бормай, яқинларини юборишар экан.

Шарқона одобга кўра, йигитнинг онаси ўз ўғлининг фель-атворини, касб-корини мактаб гапириши маъкул саналмайди. Қиз тараф ҳам, шароит тақазо қилса рад жавобини нозик андиша билан, оғир ботмайдиган қилиб етказишади.

Халқимизда совчиликнинг “элчиликка келдик”, “қулчиликка келдик”, “овчилик қилиб юрибмиз”, “сўраб келдик” каби вариантларидан кенг фойдаланилади.

Бу одат турли мамлакатларда турличадир. Масалан Европада ушбу одат кўпроқ “танишув клублари” ва эълонлар орқали амалга оширилади.

Совчиларнинг “ови” бароридан келиши – катта шодиёнанинг дебочасидир. Демак, бахтли онларини нишонлаётган ёш келин-куёвларимизнинг бугунги айёмларининг бош сабабчиси – совчилардир.

Махсума ОҚҚЎЗИЕВА